



ЯНГИ ТАҲРИДАГИ КОНСТИТУЦИЯ

Кўшимча
материаллар учун



КОНСТИТУЦИЯНИ ЯНГИЛАШГА ЗАРУРАТ

Мамлакатимиз катта давлатга айланаётганлиги, аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, уларнинг ярмидан кўпи ёшлар бўлиши ва уларга муносиб шароит яратишда қуидагилар кераклиги:



БАРҚАРОР
ИҚТИСОДИЁТ



САМАРАЛИ
БОШҚАРУВ



ХАВФСИЗ ДАВЛАТ

ИЖТИМОЙ
КАФОЛАТЛАР



Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустаҳкам хуқуқий пойдеворни – Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституциясини тақозо этади.

ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ

Конституция матни олимлар ёки мутахассислар томонидан кабинетларда ёзилмади. Балки, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари 2 босқичда ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди.

Авваллари Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилган

Янгиланаётган Конституция тараққий этган давлат
- Янги Ўзбекистон куриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштиради.



Биринчи босқичда

60 мингдан зиёд таклифлар

Ушбу таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси Конституция лойиҳасидан жой олди.

Иккинчи босқичда

150 мингдан ортиқ таклифлар

Оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳолимиз танишиб чиқди.

Шу билан бирга

10 мингта қўшимча таклиф

Халқаро-хуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

КОНСТИТУЦИЯ

ЭСКИ

ЯНГИ

Моддалар сони

128 та



155 та



Нормалар сони

275 та



434 та



Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН - ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



**Ҳар кимнинг уй-жойли
бўлиш ҳуқуқи белгиланди.**

Ҳар бир фуқаро, айниқса ёш оиласарнинг ўз хонадонига эга бўлиши, ижтимоий барқарорлик ва ҳаётдан розилик даражасини оширади.



**Ҳеч ким уй-жойидан
маҳрум этилиши
мумкин эмас.**
Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган заарларнинг ўрни олдиндан ва teng қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланди.



**Кафолатланган ҳажмда
давлат ҳисобидан тиббий
ёрдам кўрсатилади.**
Аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилди. Бу оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдиидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.



**Ҳар ким қулай
атроф-муҳитга эга
бўлади.**

Аҳолимиз ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш учун конституциявий кафолатлар яратилди.



ЎЗБЕКИСТОН - ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



Таълимга эътибор ва
кафолатлар
кенгайтирилди.

Таълим ва илм-фанга оид
нормалар қарийб
2 баробарга ошди.

Давлат олийгоҳларида
давлат ҳисобидан ўқиш
белгиланди.

Грантлар сони 2 баравар кўпайиб,
40 мингтага етди. Шундан,
магистратура учун
5 баравар кўпайди.

Бепул бошланғич
профессионал таълим
берилди.

Бепул умумий ўрта таълим
ва бошланғич
профессионал таълим
кафолатланди.

Инклузив таълим
Конституцияга
киритилди.

Ногиронлиги бор болаларга ўз
тengдошлари билан бир хил
таълим олиши учун барча
шароитлар яратилди.



ЎЗБЕКИСТОН - ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



**Ўқитувчиларнинг қадр-
қиммати ҳимоя остида**

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва
қадр-қимматини ҳимоя қилиш,
уларнинг ижтимоий ва моддий
фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши
тўғрисида ғамхўрлик қилиши
мустаҳкамланди.



**Тадқиқотлар ўтказиш ва
ўқитиши эркинлиги
хукуқи берилди.**

Конституциямизга ушбу
норманинг киритилиши
профессор-ўқитувчилар ва
талабаларнинг ўқув
жараёнидаги мустақиллигини
таъминлашга хизмат қиласди.



**Оила ривожланиши учун
шарт-шароитлар
яратилади.**

Давлат оиланинг тўлаёнли
ривожланиши учун ижтимоий,
иқтисодий, хукуқий ва бошقا
шарт-шароитлар яратиши
конституциявий
мустаҳкамланди.



**Фарзандлар таълим олиши
ота-она мажбуриятига
кирмокда.**

Нафақат фарзандлар тарбияси,
балки уларга таълим бериш,
баркамол вояга етказиш ҳам ота-
она мажбурияти сифатида
белгиланди.



ЎЗБЕКИСТОН - ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



Ҳар ким адолатли
ҳақ олиш хукуқи
кафолатланди.

Ҳар кимнинг меҳнати учун
камситишларсиз ҳамда
меҳнатга ҳақ тўлашнинг
белгиланган энг кам
миқдоридан кам бўлмаган
тарзда адолатли ҳақ олиш
хукуқи кафолатланди.



Инсоннинг муносиб
турмуш даражаси
таъминланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг
кам миқдори инсоннинг
муносиб турмуш даражасини
таъминлаш зарурати ҳисобга
олинган ҳолда белгиланиши
мустаҳкамланди.



Аёлларнинг иш ҳақини
камайтириш
тақиқланди.

Ҳомиладорлиги ёки боласи
борлиги сабабли аёлларни
ишга қабул қилишни рад
этиш, ишдан бўшатиш ва
уларнинг иш ҳақини
камайтириш тақиқланиши
белгиланмоқда.



Давлат камбағалликни
қисқартириш чораларини
кўради.

Шу билан биргаликда,
фуқароларнинг бандлигини
таъминлаш, уларни ишсизликдан
ҳимоя қилиш чораларини кўриши
мустаҳкамланади.



ЎЗБЕКИСТОН - ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



Болалар меҳнати
тақиқланди.

Болалар меҳнатининг боланинг
соғлиғига, хавфсизлигига,
аҳлоқига, ақлий ва жисмоний
ривожланишига хавф солувчи,
шу жумладан, унинг таълим олишига
тўсқинлик қилувчи хар қандай
шакллари тақиқланади.



Ижтимоий таъминот
олиш кафолатланди.
Ҳар ким қариганда, меҳнат
қобилиятини йўқотганда,
ишизлиқда, шунингдек
боқувчисини йўқотганда
ижтимоий таъминот
хуқуқига эга.



Пенсиялар оз бўлиши
мумкин эмас.

Пенсия, нафақа ва бошқа
ижтимоий ёрдамлар миқдори энг
кам истеъмол харажатларидан оз
бўлиши мумкин эмаслиги
белгилаб қўйилди.



ЎЗБЕКИСТОН - ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Инсон ҳуқуқ ва
эркинликларини
таъминлаш давлатнинг
олий мақсади этиб
белгиланмоқда.
Инсон ҳуқуқларига оид
нормалар
з баравардан ортиқقا
ошмоқда.



**Давлат ҳокимияти халқ
манфаатларини кўзлайди.**
Давлат ҳокимияти халқ
манфаатларини кўзлаб ва
қонуний ваколатга эга органлар
томонидан амалга оширилади.



**Ноаниқликлар инсон
фойдасига ҳал этилади.**
Инсон ва давлат ўргасидаги
муносабатлар бўйича
қонунчиликдаги барча
зиддиятлар ва ноаниқликлар
инсон фойдасига талқин
етилади.



**Инсоннинг ҳуқуқ ва
эркинликлари
кафолатланади.**
Республикада инсоннинг ҳуқуқ ва
эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг
умум эътироф этилган
нормаларига биноан ҳамда ушбу
Конституцияга мувофиқ эътироф
етилиши ва кафолатланиши қайд
етилди.



ЎЗБЕКИСТОН - ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ



Кўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралар етарли бўлиши керак.

Давлат органлар томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди.



Инсонга мажбурият юклатиш мумкин эмас.

Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Хеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги белгиланди.



Ўзбекистон фуқароси доимий равища давлат ҳимоясида

Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги белгиланди.



Хориждаги ватандошларга ғамхўрлик қилинади.

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилиши белгиланди.



ЎЗБЕКИСТОН - ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ



Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади.

Инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.



Ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилмайди.

Тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоқقا олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган.



Етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан қопланади.

Ҳар ким давлат органларининг, мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгалиги қайд этилди.



Айбсиз инсонлар жазога тортилиши мумкин эмас.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланди.



ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУВОР



**Судланганлик
қариндошларга таъсир
қилмайди.**
Шахснинг судланганлиги ва
бундан келиб чиқадиган
ҳуқуқий оқибатлар унинг
қариндошлари
ҳуқуқларини чеклаш учун асос
бўлиши мумкин эмаслиги
мустаҳкамланди.



**Ҳар ким ўз шахсига доир
маълумотларни ҳимоя қилади.**
Нотўғри маълумотларнинг
тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга
хилоф йўл билан тўпланган ёки
ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган
маълумотларнинг йўқ қилинишини
талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги
мустаҳкамланди.



**"Прописка" тизими муаммосига
барҳам берилди.**
Ҳар ким республика ҳудудида эркин
ҳаракатланиш, туарар ва яаш жойини
эркин танлаш ҳуқуқи, республикадан
ташқарига чиқиш
ҳуқуқи ҳамда фуқароларнинг
Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш
ҳуқуқи белгиланди.



**Давлат Интернетдан
фойдаланиш учун
шароит яратади.**
Фойдаланувчилар сони
2016 й. 12 млн
2022 й. 32 млн

қамров даражаси
2016 й. 28%
2022 й. 98%



ЁШЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАР ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Конституция
18 миллиондан ортиқ
ёшлар масалаларига
ҳам алоҳида эътибор
берилди.



Ёшлар ҳуқуқлари
Конституцияда
кафотланди.

Ёшларнинг таълим олиши,
ижтимоий ва тиббий
ҳимояси, уй-жойли бўлиши,
бандлиги учун шарт-
шароитлар яратиш -
давлатнинг конституциявий
мажбурияти сифатида
киритилди.



Ногиронлиги бўлган
шахслар давлат
ҳимоясига олинди.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз
кексалар, ногиронлиги бўлган
шахслар ҳамда аҳолининг
ижтимоий жиҳатдан
эҳтиёжманд бошқа
тоифаларининг ҳуқуқлари
давлат ҳимоясида эканлиги
белгиланди.



Ижтимоий хизматлар
давлатнинг мажбурияти
хисобланади.

Аҳолига имтиёзли уйлар бериш, бепул
тиббий жиҳозлар,
протез-ортопедия буюмлари, озиқ-
овқат маҳсулотлари билан
таъминлаш, етим болалар учун олий
таълимда бепул ўқиш имкониятини
яратилди.

ТАДБИРКОРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТИ ВА ХУСУСИЙ МУЛК ДАЛАТ ҲИМОЯСИДА



Мол-мулк суднинг
қарорисиз маҳрум
этилиши мумкин эмас.

Мулкдор ўз мол-мулкидан
қонунда назарда тутилган
ҳоллардан ва тартибдан ташқари
ҳамда суднинг қарорига
асосланмаган ҳолда маҳрум
этилиши мумкин эмаслиги
белгиланди.



Ишбилармонлик
муҳити таъминланади.
Давлат қулай инвестициявий
ва ишбилармонлик муҳитини
таъминланиши бўйича қоида
мустаҳкамланди.



Монополистик фаолият
қонун билан тартибга
солинади.

Товар ва хизматлар бозорининг
барча иштирокчилари учун тенг
иқтисодий-хуқуқий имкониятлар
яратишга хизмат қиласди.



Ер хусусий мулк
бўлиши мумкин.

Бу Янги Конституциямиздаги
ҳақиқий инқилобий янгиликларидан
бири сифатида мулкчилик
муносабатлардаги бўшлиқ
тўлдирилди.



ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ КУЧАЙТИРИШ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ БУ - ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ



Парламентнинг
ваколатлари қайта кўриб
чиқилди.

онунчилик палатаси ваколатлари
5 тадан 12 тага
Олий Мажлис Сенати ваколатлари
14 тадан 18 тага
кўпайди.



Назорат органлари устидан
Парламент ваколати
кенгайтирилди.

Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси
раҳбари номзоди Сенат
мақуллагандан сўнг тайинланади,
монополия ҳамда коррупцияга
қарши курашиб органлари
раҳбарлари Сенат томонидан
сайланади.



Ижро ҳокимияти устидан
қонунчилик палатаси
назорати кучайтирилди.

Хукуматни шакллантириш ва унинг
фаолиятини назорат қилиш, Давлат
бюджети ижросига оид масалалар
шулар жумласидандир.



Парламент текшируви
институти
мустаҳкамланади.

Олий Мажлис палаталарининг
биргаликдаги ваколатларида
парламент текшируви институти
алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.



СУД ҲОКИМИЯТИ ВА АДВОКАТУРА МУСТАҚИЛЛИГИ КУЧАЙТИРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН



Судьялар олий Кенгаши
Сенат томонидан
сайланади.

Суд ҳокимиятининг чинакам
мустақиллигини таъминлаш
мақсадида Судьялар олий
кенгашининг барча аъзоларини
Сенат томонидан сайлаш тизими
киритилди.



Иш юритуvida судьянинг
мустақиллиги кафолатланди.

Судьяни муайян ишнинг
муҳокамасидан четлаштиришга, унинг
ваколатларини бекор қилишга ёки
тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга
үtkазишга фақат қонунда белгиланган
тартибда ва асосларга кўра йўл
қўйилиши
мустахкамланди.



Фуқароларнинг
Конституциявий судга
мурожаат қилиш ҳуқуқи
белгиланди.

Фуқаролар ва юридик шахслар, судда
кўриб чиқилиши тугалланган муайян
ишда суд томонидан ўзига нисбатан
қўлланилган қ онуннинг
Конституцияга мувофиқлиги
тўғрисидаги шикоят билан мурожаат
қилишади.



Адвокатлар фаолиятининг
кафолатларини
мустаҳкамланди.

Конституцияга адвокатура
институтига бағишлиланган ва
адвокатлар фаолиятининг
кафолатларини мустаҳкамловчи
aloҳида боб киритилди.



ЎЗБЕКИСТОН - ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ



**Хукумат жавобгарлиги
кенгайтирилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг
ваколатлари ва функциялари,
унинг жавобгарлиги
сезиларли даражада
кенгайтирилди.



**Ҳокимларнинг
депутатларга раҳбарлик
қилиши бекор қилинди.**

Маҳаллий ижро этувчи ва
вакиллик Ҳокимиятининг
бўлиниши мамлакатда бутун
давлат бошқаруви тизимини
чукур ислоҳ қилиш учун асос
бўлади.



**Маҳаллалар давлат
ҳокимияти тизимига
кирмайди.**

Ўз ҳудудини мустақил бошқариш,
аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб
давлат билан шериклик асосида
муаммоларни ҳал этиб бориш,
самарали жамоатчилик назоратини
амалга оширишга муҳим
имкониятларни тақдим этади.



**Журналист фаолиятига
тўсқинлик қилишга йўл
қўйилмайди.**

Оммавий ахборот воситалари
фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки
аралашиб қонунга мувоғиқ
жавобгарликка сабаб бўлиши
белгиланди.



ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН

РАҲМАТ!